1833 йили Оренбург харбий губернатори В. А. Перовскийнинг топшириги билан Оренбургдаги Неплюев харбий билим юртида араб, форс, татар тиллари муаллими бўлиб ишлаётган Петр Иванович Демезон Бухорога юборилди. Бу одам асли италиялик бўлиб, Сардинияда тугилган эди. У Русияга кандок келиб колгани номаълум бўлса-да, кейинчалик у рус фукаролигини кабул килган. Унинг Бухорога тўрт ойлик сафаридан максад «Ўрта Осиё вилоятларида содир бўлаётган хамма нарсалар хакида ишончли ва батафсил маълумотлар тўплаш» эди. Бу борада Петербургдаги чор хукуматининг Афгонистон ва Хиндистон оркали келаётган инглиз молларининг Ўрта Осиё бозорларида ракобатбардорлиги кучаяётганидан, умуман чет эл агентурасининг бу ердаги фаоллиги ортаётганидан ташвишга тушаётгани хам ана шу сафарга туртки бўлгани аник эди.
Демезон Бухорога татар мулласи Мирза Жаъфар номи остида бухоролик тожир Ниёз Мухаммаднинг савдо карвони билан жўнатилди. Бухороликлар асосан суннийлар бўлгани учун сунний мулла Жаъфар никобидаги Демезонга барча масжид ва мадрасаларнинг эшиги ланг очиб кўйилди ва бу шахарнинг барча таникли кишилари билан танишиш ва Бухоро муллалари билан илмий мунозара олиб бориш имконини берди.

(Б. Лунин, «История Узбекистана в источниках», Ташкент, 1990 г.).

Бизнинг изох: хозиргача никоби ва номини ўзгартирган, аммо максадлари эскича колган яна канчалаб демезонларнинг иркит кадами табаррук ерларимизни топташдан тўхтагани йўк.